

ISSN 2181-7324

ЎЗМУ

ХАБАРЛАРИ

№ 1/1 ✪ 2018



*Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
йўналиши*

*Направление  
социально-  
гуманитарных  
наук*

*Social-  
humanitarian  
sciences*



ВЕСТНИК НУУЗ ✪ АСТА NUUZ



# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

## ВЕСТНИК НУУЗ

### АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИКА  
БОШЛАГАН

2018  
1/1

Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
туркуми

Бош муҳаррир:

**А.Р. МАРАХИМОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

**А.Р. ХАЛМУХАМЕДОВ** – ф-м.ф.д.

Таҳрир хайъати:

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Юнусова Х.Э. – т.ф.д.

Кобзева О.П. – т.ф.д.

Одилов А.А. – т.ф.н., доц.

Тўйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Нурматова М.А. – ф.ф.д.

Абдусамедов А.Э. – ф.ф.д., проф.

Қурбонов М. – п.ф.д., проф.

Мардонов Ш.Қ. – п.ф.д., проф.

Ғозиев Э.Ғ. – псих.ф.д.

Мўминов А.Ғ. – с.ф.д.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Каримов Б.Н. – фил.ф.д., проф.

Менглиев Б.Р. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Халикова М.И. – фил.ф.н.

Маматова Ё.М. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Масъул котиб: **К. РИХСИЕВ**

**ТОШКЕНТ – 2018**



Комилова Г.Р. Чуст тумани Гова қишлоғи шеvasи фразеологизмлари таҳлили .....	307
Кулматов Б.Г. Тил таълими замонавий методларининг назарий асослари .....	310
Кўчқорова М.Х. Х. Тўхтабоев ижодида фольклоризм хилма-хил жиҳатларининг ўзига хос фазилати .....	313
Маджидова Р.У. Понятие ценностей в аксиологической лингвистике .....	315
Maksudova N.F. Communicative language teaching in english specific purposes courses .....	318
Матмуратова Р.З. Комедияда ички конфликтнинг бадиий хизмати .....	320
Muratova D.M. Idioms are food for thought .....	323
Низамова М.Н. Синтез реалистического и постмодернистского письма в романе Г. Свифта «Водоземье» .....	326
Одилова Г.К. Олам миллий манзараси ва дискурс .....	329
Омонов Р. ЎзЛиДеП сиёсий партияси расмий веб-сайти фаолияти: таҳлил, муаммо ва ечимлар .....	332
Пидаева Ш.Б. Дистанционное обучение .....	343
Расулмухамедова Д.З. Ўзбек болалар фольклори ва унинг ўзига хос хусусиятлари .....	347
Ribinskaya E.G. The use of foreign experience and techniques of teaching foreign languages in the national educational standards .....	351
Salieva S.M. Reducing teacher talk: a student-centered approach to teaching .....	353
Салимова Н.М. Способы выражения диминутива в английском языке .....	356
Сафаров О. Софистика ва таржима .....	359
Сиддикова И.А. Организация проектной деятельности на уроках английского языка .....	363
Султонова Ш.М. Славян халқлари маданиятида замоннинг лингвокультурологик талқини .....	365
Умарова М.Б. Ўзбек ва инглиз тилларидаги инсоний кадрятларни билдирувчи сўзларда номлаш жараёнининг лингвомаданий жиҳатлари .....	368
Умурзоқова М.Э. Сегмент қурилмаларнинг шеърий матнларда қўлланилиши .....	371
Файзиёва М.С. Халед Хоссейни – восточный феномен в Американской литературе .....	372
Хабилова Р.А. Жаҳон тилшунослигида инструменталликнинг ўрганилиши .....	375
Хасанов З.Б. Ҳозирги замон паремиялогиясининг долзарб муаммолари .....	378
Хидирова З.П. Технология проведения ролевых игр на занятиях по иностранному языку .....	380
Shirnova F.A. What teaching style is the best for student-centric classroom .....	383
Эгамбердиева Г.М. Образлар ўзига хослиги масаласи .....	385
Эгамова М.Х., Ишниязова Ш.А. Модель нарратопорождения в притче И.Султана «Рыба» .....	387
Жўрақулов Ф.Н. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органларини модернизациялаш истикболи .....	391
Азимова З. Интеграл педагогик ёндашув – маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш омили сифатида .....	394
Жалолова Ш.М. Ҳозирги замон ўзбек тилидаги инфинитивнинг морфологик хусусиятлари ва унинг янги талқини .....	397
Салищева З.И. Монологик нутқнинг психоллингвистик ва экстралингвистик хусусиятлари тадқиқи доир .....	401



## СОФИСТИКА ВА ТАРЖИМА

Сафаров О. \*

## РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Цицероннинг таржима ҳақида билдирган мулоҳазалари аслида унга эмас, балки лотинча Библия таржимаси Хиеронимусга тегишли эканлиги ва бу ҳол иккинчи софистика деб аталган мафкуравий оқим таъсирида юзага келгани ҳақидаги шубҳаси ўз ифодасини топган. Мазкур масала антик поэтика доирасида янада батафсилроқ ўрганилиши лозимлиги таъкидланган.

**Калит сўзлар:** риторика, софистика, софистик риторика, фалсафа, иккинчи софистика, янги софистика, кекса софистлар, ёш софистлар, биринчи гуруҳ софистлари, иккинчи гуруҳ софистлари, риторик ва диний матнлар таржимаси, антик поэтика.

Барча илм-фан соҳаларидаги каби таржима илмида ҳам жумбоқлар кўп. Илмий тилда улар муаммо дейилади. Тадқиқотлар уларнинг ечимини топишга қаратилади. Кўпинча муайян муаммонинг ўзини аниқлаш ҳам осон бўлмайди. Шунда ўрганаётган масалаларимиз бир-бирига қай даражада боғлиқлиги, бошқалар улар ҳақида қачон ва қандай мулоҳазалар билдирганликлари, ўрганилаётган объектнинг тарихий ва бошқа жиҳатлари ҳақида фараз қилиб кўрамиз. Натижада, аллақачон ўрганилган масалаларга ҳам, улар қай даражада тўғри эканлигига шубҳа билан карашимиз мумкин. Жумладан, таржима илмига оид изланишларимиз натижасида, антик Рим салтанатининг буюк нотиги Марк Туллий Цицерон (мил. авв. 106-43) таржима ҳақида билдирган мулоҳазаларгина эмас, балки улар Цицеронга тегишли эканлиги ҳам бизда катта шубҳа уйғотди. Бунинг асосий сабабларидан бири, Цицерон ва Хиеронимус таржима ҳақида билдирган мулоҳазалар услубий жиҳатдан бир-бирига жуда яқин.

Бу ҳол улар таржима ҳақида ёзган матнларнинг сарлавҳаларида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, Цицеронники “De optimo genere oratorum” (Нотикликнинг энг яхши тури ҳақида), Хиеронимусники эса “De optimo genere interpretandi” (Таржиманинг энг яхши тури ҳақида) деб аталган.

Антик риторика эса софистикага бевосита боғлиқ бўлган. Шу нуқтаи назардан таржима тарихи масалалари софистика доирасида ўрганилиши долзарб аҳамиятга эга. Чунки бу ҳол таржима илмидаги кўп зиддиятли ҳоллар бартараф этилишига олиб келиши мумкин. Ушбу мавзудаги ишдан кўзланган мақсад ҳам шундан иборат.

Мавзунинг асосий қисмига ўтишдан олдин, яна шуни қайд этиш лозимки, Цицерон ўз даврида икки таниқли юнон нотиклари Демосфен ва Эсхин (мил. авв. 389-314) нотик Ктесифонтни гулчамбар билан тақдирлаш масаласи муҳокамасида сўзлаган нутқларни таржима қилган. “Гулчамбар ҳақида” деб аталган шу таржимасига у “De optimo genere oratorum” (Нотикликнинг энг яхши тури ҳақида) сарлавҳали кириш сўзини ҳам илова қилган ва айнан шунда у ўзининг таржимага оид карашларини ифодалаб, таржимада сўзларни санаб эмас, ўлчаб бериш кераклиги ҳақидаги фикрини илгари сурганки, ундан қарийб 4 асрдан кейин унинг бу мулоҳазасини қўллаб қувватлаган Хиеронимус маънома-маъно таржима тарафдори эканлигини қайд этиб, бундай таржима сўзма-сўз таржимадан

афзаллигини исботлашга ва бу орқали ўзининг лотинча Библия таржимасини назарий жиҳатдан оқлашга уринган.

Интернетдан топилган матнлардан бирида қайд этилишича, Албрехт Дихле 1955-йилда “Hermes” (Ҳермес) журналининг учинчи, умуман, 83-сонидан нашр эттирган “Ein Spurium unter den rhetorischen Werken Ciceros” мақоласида, ўша кириш сўзи айримларнинг фикрича, мил. авв. 46-йилда, бошқаларнинг фикрича, мил. авв. 50-йилда ёзилгани ҳақида маълумотлар борлигини қайд этиб, Цицерон уни ёзганига антик даврдаёқ Аскониус Педантус, ундан кейин эса бошқа даврдагилар ҳам шубҳа билан караганликлари ҳақида шундай ёзади:

“De optimo genere oratorum” (Über die beste Art von Rednern): Diese vielleicht um 46 v. Chr., nach anderen Einschätzungen schon in den 50er Jahren v. Chr. entstandene kurze Schrift ist eine Einleitung zur Übersetzung der Reden von Demosthenes und Aischines für und gegen Ktesiphon. Die Einleitung greift v. a. die römischen Attizisten an, ziemlich mit denselben Argumenten wie im Orator. Die Übersetzung selbst ist nicht überliefert, zudem ist unklar, ob Cicero sie überhaupt je ausgeführt hat. Die Echtheit der Schrift ist bereits in der Antike von Asconius Pedantus und weiter in der Neuzeit bezweifelt worden”.

Хўш, “De optimo genere oratorum”ни ким, қачон ва нима мақсадда ёзган? Бу саволга жавоб топишимиз учун софистикага мурожаат этишимиз мақсадга мувофиқдир. Албатта, бунинг учун дастлаб, мазкур қадимий илмнинг моҳиятини имкони борича чуқурроқ тушуниб олишимиз керак бўлади. Бинобарин, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да у шундай тавсифланган:

“юн. sophistiche – ҳийлагарлик билан мунозара олиб бориш) – 1) Юнонистонда софистлар яратган фалсафий оқим. Унинг йирик вакиллари: Горгий (тахминан мил. авв. 483-375), Протагор ва б.; 2) мантик қонунларини атайин бузиб, ёлғон далилларга асосланган ҳолда муҳокама юритиш. С. ташқи томондан тўғри бўлиб туюладиган, аслида эса мантиқий хато мулоҳазаларга таянади”[1].

Шу луғатда софистлар қуйидагича талкин қилинган:

“(юн. sophistes – мохир, доно) – 1) Юнонистонда ақлли, билимдон кишилар, махсус ҳунар эгалари; мил. авв. 5-а.нинг 2-ярми – 4. а.нинг 1-ярмида Юнонистонда донолик ва чиройли сўзлашувга ўргатувчи ўқитувчилар, файласуфлар. Улар маълум микдордаги ҳақ олиш эвазига кишиларга мунозара олиб бориш санъатини,

\* Сафаров О. – ЎзМУ доценти, ф.ф.н.



ракибининг мулоҳазаларидаги заиф томонларни топиб, уларга зарба бериш, ўз фикрини бошқаларга ўтказиш, мунозараларда енгиб чиқиш усулларини ўргатишган. Бунда софистика услубидан фойдаланишган. Шу мақсадда ракибни довтиратиб кўядиган мантикий софизм ва парадокслар ўйлаб чиқаришган. Протагор, Горгий, Гипсий, Продик ва б. машҳур софистлардир[1].

“Фалсафа” лугатида эса софистика софизм тарзида берилган бўлиб, у ўз даврида фалсафа ривожига муҳим ўрин тутгани, Сукротга катта таъсир кўрсатгани, бироқ антик софизм тарафдорларининг асарлари бизгача деярли етиб келмагани қайд этилган.

Тегишли манбаларда антик софистлар “кекса” ва “ёш” софистларга ажратиб ўрганган холлар ҳам учрайди. Масалан: “Кекса софистлар – Протогор, Горгий, Гипсий, Продик, Антифонт, ёш софистлар – Фралимах, Критий, Алкидам, Линафром, Полемон ва бошқ. софистлар ўз фаолиятида билимларни системали ўзлаштириш эмас, балки моҳир нотик бўлиш, баҳс-мунозараларда, олган билимларни қай даражада кўллай олишга кўпроқ эътибор берганлар”[2].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бундай маълумотлардаги номлар бошқа манбаларда бошқача тарзда ҳам учрайди. Уларда Фралимах Фразимах ёки Фрасимах тарзида, Алкидамант - Алкидам, Ленафром - Ликофрон тарзида қайд этилган. Шунингдек, бу лугатда улар ёш софистлар дея талкин қилинган бўлсалар, бошқа манбаларда кичик гуруҳ софистлари сифатида, улардан олдинчилари, яъни кекса софистлар эса, катта гуруҳ софистлари тарзида қайд этилган. Масалан, “Қадимги ва ўрта аср ғарбий Европа фалсафаси”да улар ҳақида шундай маълумот берилган:

“Софистлар икки гуруҳга бўлинади:

1. Катта гуруҳ софистлари.
2. Кичик гуруҳ софистлари.

Катта гуруҳ софистларига Протагор, Горгий, Гипсий ва Продиклар киради. Протагор софистлар гуруҳининг асосчиларидан бири эди. У ўз таълимотини тарғиб қилиш мақсадида, Юнонистон бўйлаб сафар қилган. Кўп марта Афинада бўлиб, бир вақтлар Периклга маслақдош бўлган. 411 йили олигархик тузум ағдарилиши даврида дахрийликда айбланган ва Сицилияга қочиб кетаётган пайтида сувга чўкиб кетган. Унинг худолар ҳақидаги асари Афинада ёндириб юборилган. Унинг қуйидаги: “Ҳақиқат”, “Бирлик ҳақида”, “Буюк сўз”, “Худолар ҳақида”, “Қарама-қаршиликлар” каби рисолалари мавжуддир.

Афсуски, Протагорнинг бирон-бир рисоласи бизгача етиб келмаган. Протагор ҳақида фақат унинг замондошлари асарларининг парчаларидан билиш мумкин”[3].

Аслида Протагор ва бошқа софистлар ҳақида анчагина маълумотлар қолдирган мутафаккирлардан бири Платон ҳисобланади. Унинг “Протагор”, “Горгий” каби асарлари асарлари ҳам бор. Цицерон бу асарлардан жуда яхши хабардор бўлган. Ҳатто у “Протагор”ни лотинчага таржима қилганки, бу ҳақда Ҳиеронимус “De optimo genere interpretandi”

(Таржиманинг энг яхши тури ҳақида) мақоласининг бошидаёқ маълумот бериб ўтган.

Ҳар ҳолда Протагорнинг қуйидаги мулоҳазасидан нафақат Цицерон, балки унинг асарлари ва таржималарини кунт билан ўрганган Ҳиеронимус ҳам жуда яхши хабардор бўлган бўлиши табиий: “Худолар ҳақида мен, улар борми ёки йўқми, ёки улар қандай қиёфали эканлиги ҳақида, ҳеч нима дея олмайман. Инсон умрининг қисқалиги бунга имконият бермайди”[3].

Албатта, Протагор диний масалаларда бетарафлигини мана шундай тарзда ифодалагани эътиборга лойик. Ҳар ҳолда у дахрийликда айбланиб, Афинадан ҳайдаб юборилганига ҳам, унинг шу мулоҳазаси сабаб бўлган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Цицерон асарларида софистика ёлғон ёки хийлагарлик асосидаги таълимот эмас, балки фикрлаш ва сўзлаш ўртасидаги бирликни тақозо этган донишмандлик сифатида талкин қилинган. Жумладан, Цицерон шундай ёзади:

“Мен айтмоқчиманки, ушбу фикрлаш ва гапириш илмини юнонлар ҳикмат-донишмандлик, деб атаганлар. Ҳикмат Ликургларни ҳам, Питтакларни ҳам, Солонларни ҳам, бизда эса, уларнинг ўрнаги бўйича Корунканийлар, Фабрицийлар, Катонлар, Сципионларни, балки унчалик олим бўлмасалар ҳам, лекин ақл ва ирода интилиши бўйича уларга ўхшашларни пайдо қилди. Ана шундай ақл-идрок одамлари, лекин ҳаёт мақсадларига ўзгача нуктаи назарда бошқалари эса, мааслан, Пифагор, Демокрит, Анаксагор кабилар осойишталик, ором ва бўш вақт истар эдилар. Ҳамда давлат ишларини хуш кўрмай, ўзларини фикрлаш, мушоҳада қилишга бахш этдилар”[4].

Софистлар ҳақиқатан ҳам фикр ва сўзлаш (нутк) масалаларига яхлит ҳолда ёндашганликларини ва бу яхлитлик бузилишига Сукрот сабабчи бўлганини, Цицерон шундай талкин қилади:

“Сукрот ўз мулоҳазалари билан доно фикр ва зийнатланган нуткнинг ягона илмини иккига бўлиб кўйди. Унинг иқтидори ва турли-туман суҳбатларини Платон ўз асарларида мангуликка сақлаб қолди; Сукротнинг ўзидан ёзилган битта харф ҳам қолмади.

Ўшандан бери, айтсам бўладики, тил ва дилнинг бўлиниши, маъносиз, зарарли ва танбеҳга лойик бўлиниши пайдо бўлди, яъни фикрга айрим, нуткка айрим ўқитиш одати пайдо бўлди”[4].

Албатта, бу оркали Цицерон фалсафа ва нотиклик (риторика) дастлаб яхлит ҳолда ўрганилганини, Сукрот даврида эса, нотиклик фалсафадан ажратилганини таъкидлаган. Шунинг учун Цицерон Сукротни “фалсафанинг отаси” сифатида тавсифлаган бўлса, ажаб эмас. Ўзини эса Цицерон биринчи навбатда файласуф, шундан кейингина нотик деб билган ва бу оркали ҳам, нотикликка оид асарлари оркали ҳам, нотиклик хар қандай шахсдан фалсафий билимларга эга бўлишни тақозо қилишини алоҳида таъкидлаган.

Табиийки, софистлар ўз даврларидаги ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига оид масалалар



билан бевосита шуғулланишган. Шу билан бирга улар нотиклик масалаларига ҳам жиддий эътибор беришган. Чунки ўша пайтларда нотиклик илми ва санъатидан яхшигина хабардор бўлмай туриб, ҳар қандай соҳа, айниқса, ўша пайтлар учун жуда муҳим ҳисобланган сиёсат, суд-ҳуқуқ, ҳарбий соҳалар бўйича муваффақиятли фаолият юритишнинг иложи деярли бўлмаган. Шу боис ҳам софистлар нотикликка (риторикага) дахлдорликни жуда яхши ҳис қилган бўлсалар, ажаб эмас. Таниқли поляк тарихчиси Куманецкий эса бу ҳолни шундай талкин қилади:

«Однако главным, чему учили все софисты, оставалось ораторское искусство. Фрасимах из Халкедона, Гиппий из Элиды, особенно же Горгий из Леонтии, восхищали своих слушателей неподражаемым красноречием; Фрасимах и Горгий оставили даже пособия по риторике. Родной город Горгия, откуда он в 427 г. н. э. прибыл в Афины, как и другие города Сицилии, славился своими ораторами. Умение выстроить речь, сделать её ясной и изящной, уснастить её антитезами, аллитерациями, смелыми и поэтическими метафорами, придать ей звучность и музыкальность – этим умением Горгий щедро, хотя как и все софисты, небескорыстно делился со слушателями. Темы для образцовых речей могли быть любыми, даже, на первый взгляд, неожиданными и парадоксальными: например, вступление в защиту Елены Спартанской, считавшейся виновницей Троянской войны»[5].

Файласуфлар даврида ҳам турли соҳаларда софистик риторикадан кенг фойдаланилган. Бунга Аристотелнинг жияни ва шогирди, Александр Македонскийнинг (мил. авв. 356-323) тарихчиси, Каллисфен (мил. авв. 360-328) билан боғлиқ воқеа мисол бўлиши мумкин. Албатта, у ҳукмдорнинг яхши томонларини ошириб, ёмон томонларини яшириб ёзишга тўғри келган. Каллисфен Александрни мисрликлар худоси Амон Ранинг ўғли сифатида тавсифлаган, форслар шоҳи Дорро ўзиникилардан оғир яралангач, Александрнинг кўлида жон бераётиб, унга қилган уч васияти шу даражада ишонарлики, ҳар қандай киши бунга беихтиёр ишониши табиий.

Александр билан Каллисфен ўртасидаги муносабатлар, Каллисфен бир оз хурфикрлиги ва ҳукмдорга суиқасд режасига алоқадорликда гумон қилингани учун, ўта ёмонлашиб қолганида, Александр базм ташкил қилиб, Каллисфендан македонларни мактаб бир нутқ сўзлашни сўрайди. Бунга амал қилган Каллисфен, ширакайф македонларнинг кайфиятини янада кўтариб юборади. Фақат Александр бепарволик билан, мактовга лойиқларни макташ унча қийин эмаслигини таъкидлаган ҳолда, у ҳақиқий нотиклигини намойиш қилиши учун, македонларни айблаб, уларнинг хато ва камчиликларини, улар бундан тегишли хулосалар чиқариб олишлари учун, кўрсатиб, нутқ сўзлашни таклиф қилади. Бу вазият ҳақиқатан ҳам риторика билан боғлиқ бўлгани ҳақида Ф. Шахермайр шундай ёзади:

«Уметь произносить одинаково хорошо речи «за» и «против» считалось венцом риторского искусства. В поставленной перед ним задаче Каллисфен не увидел ничего, кроме приглашения показать своё профессиональное мастерство. Между тем он попал в западню» [6].

Такдирни карангки, Аристотелнинг жияни Каллисфен ҳам Демосфен ва Цицерон каби софистик риториканинг қурбони бўлган. Демосфен эса Филипп бошлик македонларга қарши «Филиппикалар» деб аталган нутқлари учун, таъкиб остига олиниб, мил. авв. 322-йилда заҳар ютиб ўз жонига қасд қилган бўлса, Цицерон Марк Антонийга нафратини ўз «Филиппикалар»и орқали ошқор этгани учун, мил. авв. 43 йилда Антоний тарафдорлари томонидан қатл этилган.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, юнон файласуфлари, ҳатто Платон ҳам, софистикани асосан салбий маънода тавсифлаганлар. Бирок уларнинг ўзлари ҳам, муайян қарашларни ифодалашда, софистлардан сира қолишмаганлар. Ҳар ҳолда Платон академиясини тарк этаётган Аристотел, беихтиёр - «Платон менга азиз, ҳақиқат эса ундан ҳам азизроқ», – дея хитоб қилгани, бежиз бўлмаса керак.

Мавзуга оид изланишлар далолат беришича, Цицерондан қарийб икки аср ўтгач, Рим салтанатининг саводли қатламлари софистикани мафкуравий таянч сифатида тиклаганлар. Тегишли манбаларда у «Иккинчи софистика» ёки «Янги софистика» дея қайд этилган. «Литературный энциклопедический словарь»даги «Софистика вторая» (Софистика новая) сарлавҳали мақола бунга яққол мисол бўлиши мумкин. Унда шундай маълумотлар берилган:

«(от греч. *sophisticē* – искусство хитроумно вести прения), течение в др. греч. лит-ре эпохи рим. империи: возникло в нач. 2 в. Для С. в. характерно стремление обобщить многовековой опыт антич. риторики, привести к единству её противоположные тенденции (аттицизм и азианизм), чтобы сделать трад. культуру слова средоточием возрождаемого «эллинства». Представители С. в., культивировавшие словесное мастерство в филोल. «учённость», надеялись обрести в них иллюзорную замену утраченной полит. свободы и гражд. морали, подчинив ей филос. интересы и обратившись к старым религ. верованиям»[7].

Демак, Рим салтанатида 2-софистикага эътиёж пайдо бўлиши, динни давлат сиёсати даражасига кўтариш борасидаги саъй-ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ўшанда бу борада Неоплатончилар (асосчиси – Плотин 204-270) томонидан амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Улар иккинчи Мусо сифатида эътироф этилган буюк файласуф Платоннинг давлат диний йўл билан бошқарилиши лозимлиги ҳақидаги қарашлари тарафдори бўлишган.

Кейинчалик улар сафига Ҳиеронимуснинг замондоши, дўсти ва диний ишлар бўйича маслакдоши Аврелий Августин (мил. 354-430) ҳам



кўшилган. Жумладан, С. Л. Утченко у хақида шундай ёзади:

«Диалог «Гортензий» произвёл огромное впечатление на юношу Августина, в дальнейшем одного из наиболее знаменитых христианских писателей и отцов церкви. Он, кстати, упоминает о том, что диалог Цицерона использовался в его время (т. е. в IV в. н. э.) как учебное пособие, как введение в изучение философии»[7].

Демак, ўша пайтларда Ҳиеронимус ҳам бир томондан неоплатончиларнинг, иккинчи томондан эса Цицерон қолдирган илмий-ижодий меърос таъсир бўлган бўлиши табиий. Утченко қайд этган қуйидаги маълумотлар ҳам шундан далолат беради:

«Гораздо сложнее было отношение к Цицерону того христианского писателя и «отца церкви», которого самого иногда называли «Христианским Цицероном», а именно Иеронима (IV-V вв.) Мы знаем о его мучительных душевных сомнениях и внутренней борьбе, он сам повествует нам о том, как, отказавшись от всех мирских благ и привязанностей. Он долго не мог отказаться от своей библиотеки и чтения Цицерона. Но это было смертным грехом. В ниспосланном ему свыше видении, когда он очутился перед трибуналом Верховного Судии и когда на вопрос, обращённый к

нему, Иероним отвечал, что он христианин, то ему было сказано в ответ: «Неправда, ты не христианин, ты цicerонианец; где твоё сокровище там и твоё сердце!» Но и после этого Иероним всё же был не в силах полностью отречься от Цицерона: цитатами из этого автора пестрят все его сочинения»[7].

Дўсти Паммахиусга эпистоляр (мактубий) жанрда ёзган “De optimo genere interpretandi” сарлавҳали мақоласида эса, Ҳиеронимус Цицероннинг “De optimo genere oratorum”идаги деярли барча муҳим мулоҳазаларни иқтибос сифатида келтирган. У мазкур мақоласидаги таржимага оид деярли барча мулоҳазаларини худди Цицеронниқига ўхшатиб риторик усуллар орқали ифодалани эса ғалати ҳол. Бунинг устига юнон нотикларининг нутқларини лотин тилига таржима қилган Цицеронда, ўз таржимасини назарий жиҳатдан оқлашга эҳтиёж деярли бўлмаган. Диний матнлар таржимони Ҳиеронимусда эса бундай эҳтиёж жуда катта бўлган бўлиши табиий.

Хуллас, Цицеронга йўйилган таржимага оид мулоҳазалар муаллифи ҳам, аслида Ҳиеронимус эмасмикин, деган савол пайдо бўлади. Унга жавоб топиш эса, тақлид санъатида ва унга оид масалаларни ўз ичига олган антик поэтикага мурожаат этилишини тақозо этади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Азизхўжаев А. ва бошқалар. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. – Т. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. Б.24.
2. Назаров Қ. (тузувчи ва масъул муҳаррир). Фалсафа: комусий лугат. – Т.: “Шарқ”. 2004. Б. 496.
3. Йўлдошев С., Усмонов М., Каримов Р. Софистика // Қадимги ва ўрта аср ғарбий Европа фалсафаси. Т.: “Шарқ” 2000. Б.31-32.
4. Цицерон М. Т. Учинчи китоб. Чекиниш: Фалсафа ва риториканинг ажралиши // Нотик ҳақида. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2007. (У. Отажон таржимаси) Б.270.
5. Куманецкий К. Философия // История культуры древней Греции и Рима. – Москва: “Высшая школа”, 1990. С.101.
6. Шахермайр Ф. Гибель Каллисфена // Александр Македонский. – М.: «Наука». 1984. С.234.
7. Кожевникова В. М., Николаева П. А. (отв. ред.). Софистика вторая // Литературный энциклопедический словарь. – М.: «Советская энциклопедия», 1987. С.256-324.

#### РЕЗЮМЕ

В статье выражено сомнение автора в том, что знаменитые высказывания Цицерона о переводе принадлежат не ему, а латинскому переводчику Библии Иерониму, являясь продуктом, созданным им под влиянием идеологического течения, названной второй софистикой. Подчёркнута необходимость более подробного изучения данного вопроса в рамках античной поэтики.

**Ключевые слова:** риторика, софистика, софистическая риторика, философия, вторая софистика, новая софистика, старые софисты, молодые софисты, софисты первой группы, софисты второй группы, перевод риторических и религиозных текстов, античная поэтика.

#### RESUME

In this article a hint of doubt of the author that the famous statements of Cicero about the translation belong not to him is dropped, and to the Latin translator of the Bible Hieronymus and is the product created by him under the influence of the ideological current called the second sophistry. The need for a more detailed study of this issue within the framework of ancient poetics is underlined.

**Keywords:** rhetoric, sophistry, sophisticated rhetoric, philosophy, second sophistry, new sophistry, old sophists, young sophists, sophists of the first group, sophists of the second group, translation of rhetorical and religious texts, ancient poetics.